



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 25 yil « 13 » may

№ 313

Toshkent sh.

Меҳнат миграцияси жараёнларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Миграция жараёнларини бошқариш тизимини ислоҳ қилиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида” 2024 йил 17 октябрдаги ПФ–162-сон Фармони ижросини таъминлаш ҳамда меҳнат миграцияси жараёнларини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миграция агентлигининг қуйидаги таклифлари маъқуллансин:

а) чет элда меҳнат фаолиятини амалга ошириш даврида хорижий давлатнинг қонунчилик ҳужжатларини бузиши натижасида **депортация қилинган** фуқароларга қуйидаги **таъсир чораларини** қўллаш:

депортация қилинган фуқаро Миграция жамғармаси ҳисобидан қайтарилганда, қайтариш харажатларни ушбу фуқародан ундириб олиш;

Миграция жамғармаси ҳисобидан тақдим этилган субсидия ва компенсация суммаларини қайтариб ундириш;

бир йилгача муддат давомида ривожланган давлатларга ташкиллаштирилган тарзда ишга юбориш бўйича хизматлар кўрсатмаслик;

б) ташкиллаштирилган тарзда чет элга ишга юбориш бўйича хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шартномада шартнома шартлари бажарилмагани учун жарима ва учинчи шахсларнинг кафилигини белгилаш;

в) хусусий бандлик агентликлари фаолиятининг лицензия талаблари ва шартларидан бири сифатида чет элга меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун юборилаётган шахсларни ушбу давлатнинг қонунчилиги ва унда бўлиш қоидалари бўйича **мажбурий ўқитишни** киритиш.

2. Ташкиллаштирилган тарзда чет элга ишга юборилган ва борган давлатининг қонунчилик ҳужжатларини бузиши натижасида депортация қилинган фуқароларни қайтариш ва уларни қайтариш билан боғлиқ харажатларни ундириш тартиби тўғрисидаги низом **1-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ **2025 йил 1 сентябрдан бошлаб** Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миграция агентлиги томонидан хорижий давлатнинг қонунчилик ҳужжатларини бузиши натижасида депортация қилинган, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг халқаро нуфузига ва обрў-эътиборига салбий таъсир кўрсатувчи хатти-ҳаракатларни содир этган фуқароларга доир маълумотлар **Миграция жараёнларига доир маълумотларнинг ягона электрон базаси** (кейинги ўринларда – Ягона маълумотлар базаси) орқали юритилади.

Бунда Ягона маълумотлар базасига **электрон реестр** сифатида:

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан хориждаги дипломатик ваколатхоналар ва консуллик муассасаларидан олинган маълумотлар;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан халқаро шартномаларга мувофиқ реадмиссия қилинган шахслар ҳақидаги маълумотлар;

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миграция агентлиги томонидан унинг хориждаги ваколатхоналаридан (вакилларида) олинган маълумотлар киритиб борилади.

4. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ реадмиссия қилинган фуқароларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ–4079-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хорижга чиқиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 40⁵-банди “и” кичик бандига мувофиқ икки йил давомида хорижга чиқиш биометрик паспортини бериш бўйича давлат хизмати кўрсатилмайди. Бунда реадмиссия қилинган фуқароларга чет элга чиқиши учун биометрик паспорти расмийлаштириб бериладиган истисно ҳолатлар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланади.

5. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миграция агентлиги ушбу қарор доирасида масъул вазирлик ва идоралар **бир ой муддатда** тегишли ахборот тизимларининг Ягона маълумотлар базасига интеграция қилинишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги чет элда **ноқонуний ҳуқуқий ҳолатда** бўлиб турган ва **депортация** қилинган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тўғрисида хорижий давлатларнинг ваколатли органлари билан **доимий ахборот алмашиш** тизимини йўлга қўйсин.

7. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миграция агентлиги:

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **доимий равишда** чет элга меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун чиқиб кетаётган ва чет элда меҳнат фаолиятини амалга ошираётган фуқаролар ўртасида хорижда бўлиш қоидалари, инсон учун хавфли бўлган юқумли касалликлардан ҳимояланиш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро нуфузига ва давлат обрў-эътиборига салбий таъсир кўрсатувчи хатти-ҳаракатларни содир этмаслик бўйича тушунтириш ва тарғибот ишларини, шу жумладан, мобиль иловалар ҳамда бошқа медиа ресурслардан фойдаланган ҳолда амалга оширсин;

икки ой муддатда хорижий давлатнинг қонунчилиги ва ушбу давлатда бўлиш қоидаларига мажбурий ўқитилган шахслар ҳақидаги маълумотларни “xorijda.ish” платформасига киритиш имконини яратсин;

уч ой муддатда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун юборилаётган шахсларни хорижий давлатнинг қонунчилиги ва ушбу давлатларда бўлиш қоидалари бўйича ўқув дастурини ҳамда зарур ўқув методик материалларни ишлаб чиқиб, хусусий бандлик агентликларига бепул тақдим этсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги Ташқи ишлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **уч ой муддатда** чет элда меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ушбу давлатда улар билан бирга яшаётган фарзандларининг **умумий ўрта таълим олиш ҳуқуқини таъминлаш** бўйича Вазирлар Маҳкамасига асослантирилган таклиф киритсин.

9. Вазирлар Маҳкамасининг “Махсус электрон тизим орқали айрим фаолият турларини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги ягона низомни тасдиқлаш ҳақида” 2022 йил 21 февралдаги 80-сон қарорига 2-иловага мувофиқ қўшимчалар киритилсин.

10. Ушбу қарор 2025 йил 1 сентябрдан кучга киради.

11. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Ж.А. Қўчқоров ва Ж.А. Ходжаев ҳамда Миграция агентлиги директори Б.А. Мусаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил “13” майдаги 313 -сон қарорига
1-илова

**Ташкиллаштирилган тарзда чет элга ишга юборилган ва борган
давлатининг қонунчилик ҳужжатларини бузиши натижасида депортация
қилинган фуқароларини қайтариш ва уларни қайтариш билан боғлиқ
харажатларни ундириш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом чет элга ташкиллаштирилган тартибда ишга юборилган ва борган давлатининг қонунчилик ҳужжатларини бузиши натижасида депортация қилинган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини (кейинги ўринларда – депортация қилинган фуқаролар) Миграция жамғармаси ҳисобидан қайтариш ва уларни қайтариш билан боғлиқ харажатларни ундириш тартибини ҳамда депортация қилинган фуқароларни қайтаришда давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг иштирокини белгилайди.

2. Ушбу Низом:

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқаросини Ўзбекистонга қайтариб юбориш харажатлари хорижий давлат томонидан қоплаб бериладиган ҳолатларга;

хорижий давлатлар ҳудудида содир бўлган фавқулодда вазиятлар оқибатида жабрланган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига ёрдам кўрсатиш ҳамда уларни ва ҳалок бўлганларни эвакуация қилиш чора-тадбирларини амалга ошириш ҳолатларига нисбатан татбиқ этилмайди.

3. Чет элга меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун мустақил равишда чиқиб кетган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари маблағсиз қолган ҳолларда уларни қайтариш билан боғлиқ харажатлар Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 12 апрелдаги 201-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига хорижий давлат ҳудудида яшаш учун маблағларсиз қолган тақдирда, молиявий ёрдам кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ молиялаштирилади.

4. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

депортация қилинган фуқаро – ташкиллаштирилган тарзда чет элга ишга юборилган ва бўлиб турган давлатининг қонунчилик ҳужжатларини бузиши натижасида депортация қилинган фуқаролар;

консуллик мансабдор шахси – консуллик муассасасининг раҳбари, шунингдек, дипломатик ваколатхона консуллик бўлимининг мудирини ёки консуллик вазифаларини бажариш ваколати берилган дипломатик ваколатхона ходимларидан бири;

транспорт харажатлари – депортация қилинган фуқаронинг Ўзбекистон Республикасига қайтиб келиши учун ҳаво, темир йўл транспорти чипталарини сотиб олиш ёки автотранспорт хизматлари ҳақини тўлаш учун ажратиладиган маблағлар.

5. Депортация қилинган фуқаролар қуйидагилар асосида қайтарилади:

депортация қилинган фуқароларнинг Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасаларига (кейинги ўринларда – хориждаги муассаса) мурожаати;

депортация қилинган фуқаролар ва уларнинг яқин қариндошларининг Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миграция агентлигининг (кейинги ўринларда – Агентлик) хориждаги ваколатхоналари (вакилларига), ҳудудий филиалларига мурожаати;

хорижий давлатлар ваколатли органлари томонидан тақдим этилган депортация қилинган фуқаролар бўйича маълумотлар.

6. Депортация қилинган фуқаролар уларнинг транспорт харажатларини (ҳаво, темир йўл, автомобиль йўли) молиялаштириш орқали қайтарилади.

Депортация қилинган фуқарога маблағларни тўғридан-тўғри ажратиш орқали молиявий ёрдам кўрсатиш тақиқланади.

7. Депортация қилинган фуқаролар тўғрисидаги маълумотлар ва уларнинг ҳисоби Миграция жараёнларига доир маълумотларнинг ягона электрон базаси (кейинги ўринларда – Ягона маълумотлар базаси) орқали юритилади.

Бунда Ягона маълумотлар базасига:

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан хориждаги муассасалардан олинган, шунингдек, хорижий давлатларнинг ваколатли органлари тақдим этган маълумотлар;

Агентликнинг хориждаги ваколатхоналари (вакиллари) тақдим этган маълумотлар киритилади ҳамда доимий равишда янгилаб борилади.

2-боб. Депортация қилинган фуқароларни қайтаришни ташкил этиш

8. Депортация қилинган фуқаролар Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Миграция жараёнларини бошқариш тизимини ислоҳ қилиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида” 2024 йил 17 октябрдаги ПФ–162-сон Фармониға мувофиқ Миграция жамғармаси маблағлари ҳисобидан қайтарилади.

9. Депортация қилинган фуқаро хориждаги муассасаға ёки Агентлик ваколатхонасига (вакилига) қуйидаги ҳужжатлар билан мурожаат қилади:

а) ушбу Низомға 1-иловаға мувофиқ шакл бўйича Агентлик директори номиға ариза;

б) ушбу фуқаронинг шахсини ёки Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига мансублигини тасдиқловчи бошқа ҳужжат;

в) депортация қилинишига алоқадор хорижий давлат ҳудудидаги ваколатли органлар ва муассасалар томонидан берилган расмий ҳужжат (мавжуд бўлса);

г) чет элга ташкиллаштирилган тарзда ишга юборилганлигини тасдиқловчи ҳужжат (мавжуд бўлса).

Депортация қилинган фуқаронинг шахсини ва Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига мансублигини тасдиқловчи ҳужжатлари йўқотиб қўйилган бўлса ёки бундай ҳужжат мавжуд бўлмаса, молиявий ёрдам бериш масаласи унинг шахси ва Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига мансублиги тасдиқланганидан сўнг кўриб чиқилади.

10. Агентликнинг ваколатхонаси (вакиллари) мавжуд бўлмаган давлатларда депортация қилинган фуқаролар ушбу давлатларга хизмат кўрсатувчи хориждаги муассасаларга мурожаат қилади.

11. Депортация қилинган фуқаронинг аризаси Агентликнинг ваколатхонаси (вакиллари) ёки хориждаги муассаса томонидан бир иш куни ичида рўйхатдан ўтказилади.

12. Депортация қилинган фуқаронинг аризасини ўрганиш вақтида Агентлик ваколатхонаси ходими (вакили) ёки консуллик мансабдор шахси:

аризада келтирилган асосларнинг тўғрилигини ўз ваколатлари доирасида текширади;

фуқаронинг депортация қилиниши сабабларини аниқлайди.

13. Агентлик ваколатхонаси ходими (вакили) ёки консуллик мансабдор шахси депортация қилинган фуқаро томонидан тақдим этилган ҳужжатларни ўрганиш асосида бир иш куни мобайнида молиявий ёрдам кўрсатиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида хулоса тайёрлайди.

Агентлик ваколатхонаси ходими (вакили) бевосита, консуллик мансабдор шахси эса – Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги орқали хулосани Агентликка тақдим этади.

14. Агентлик депортация қилинган фуқарога молиявий ёрдам кўрсатиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги ҳужжатларни ва Агентлик ваколатхонаси ходими (вакиллари) ҳамда консуллик мансабдор шахсининг хулосасини бир иш куни мобайнида кўриб чиқади.

15. Депортация қилинган фуқаро чет элга ташкиллаштирилган тарзда ишга юборилмагани аниқланган ҳолларда, Агентлик томонидан рад жавоби берилади ва бу ҳақида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда Агентлик хориждаги ваколатхонаси (вакили) хабардор қилинади.

Ушбу бандда кўрсатилмаган бошқа ҳолатларни сабаб қилган ҳолда ёрдам кўрсатишни рад этиш тақиқланади.

16. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги депортация қилинган фуқарога молиявий ёрдам кўрсатиш рад этилгани тўғрисидаги маълумотни депортация қилинган фуқарога бир иш куни ичида хабар қилиш учун хориждаги муассасага юборади.

Агентликнинг ваколатхонаси (вакиллари) томонидан депортация қилинган фуқарони молиявий ёрдам кўрсатиш рад этилгани тўғрисида Агентликдан жавоб хати олган куннинг ўзида хабардор қилади.

17. Депортация қилинган фуқаро молиявий ёрдам кўрсатиш рад этилгани тўғрисида унинг аризаси қабул қилинган кундан эътиборан уч кундан ортиқ бўлмаган муддатда хабардор қилиниши лозим.

3-боб. Депортация қилинган фуқароларни қайтариш билан боғлиқ харажатларни ундириш

18. Депортация қилинган фуқаронинг молиявий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги аризаси ижобий кўриб чиқилганидан сўнг бир иш кунида Агентлик ва фуқаро ўртасида ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ қарз шартномаси тузилади.

Шартномага мувофиқ молиявий ёрдам олган шахс ушбу маблағларнинг ўрнини молиявий ёрдамни олган кундан эътиборан ўттиз кун муддатда қоплаш мажбуриятини олади.

Депортация қилинган фуқаролар Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ҳукумати топшириғи асосида Ўзбекистонга қайтарилган тақдирда, улар билан қарз шартномаси тузилмайди ва фуқароларни қайтариш билан боғлиқ барча харажатлар Давлат бюджети ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қопланади.

19. Депортация қилинган фуқарога кўрсатилган молиявий ёрдам суммаси Агентликнинг Миграция жамғармасига қайтарилади.

20. Ташкиллаштирилган тартибда ёки ўзи мустақил равишда чет элга меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун чиқиб кетган ва хорижий давлатда бўлиш даврида ушбу давлатнинг қонунчилик ҳужжатларини бузиши натижасида депортация қилинган фуқароларга Агентлик томонидан қуйидаги чеклов ва таъсир чоралари қўлланиши мумкин:

Миграция жамғармаси ҳисобидан тақдим этилган субсидия ва компенсация суммаларини қайтаришни талаб қилиш;

бир йилгача муддат давомида ривожланган давлатларга ташкиллаштирилган тарзда ишга юбориш бўйича хизматлар кўрсатмаслик;

ташкиллаштирилган тарзда чет элга ишга юбориш бўйича хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шартнома шартлари бажарилмагани учун назарда тутилган жаримани ундириш.

21. Агентлик томонидан кўрсатилган молиявий ёрдам, субсидия, компенсация ва жарима суммалари белгиланган муддат ичида тўланмаган тақдирда, Агентлик ушбу маблағларни ундириш бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда судга мурожаат қилади.

4-боб. Депортация қилинган фуқароларни қайтаришда давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг иштироки

22. Депортация қилинган фуқароларни қайтаришда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Транспорт вазирлиги ҳамда бошқа масъул вазирлик ва идоралар ўз ваколатлари доирасида иштирок этади.

Ушбу бандда кўрсатилган вазирлик ва идораларнинг депортация қилинган фуқароларни қайтариш бўйича фаолияти Агентлик томонидан мувофиқлаштириб борилади.

23. Давлат органлари ва бошқа ташкилотлар депортация қилинган фуқароларни қайтариш бўйича қуйидагиларни амалга оширади:

а) Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги:

депортация қилинган фуқаролар тўғрисида тегишли вазирлик ва идоралар ўртасида тезкор ахборот алмашишни ташкил этади;

шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари мавжуд бўлмаган депортация қилинган фуқароларни ватанга қайтариш учун зарур бўлган ҳужжатларни расмийлаштириш чораларини кўради;

депортация қилинган фуқаролар тўғрисидаги маълумотларни тўплайди, умумлаштиради, таҳлил қилади ва Ягона маълумотлар базасига киритади;

хорижий давлатларнинг ваколатли органлари билан ҳамкорликда депортация қилинган фуқароларни Ўзбекистон Республикасига қайтаришда иштирок этади;

б) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги:

шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари мавжуд бўлмаган депортация қилинган фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига мансублигини тасдиқлаш чораларини кўради;

депортация қилинган фуқаролар ўртасида чет элда бўлиш қоидаларини тушунтириш ва профилактика тадбирларини ташкил этади;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги депортация қилинган фуқаролар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида инсон учун хавфли бўлган юқумли касалликлардан муҳофазаланиш бўйича тушунтириш ҳамда профилактика тадбирларини ташкил этади;

в) Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги:

депортация қилинган фуқароларни қайтаришда тезкор транспорт (ҳаво, темир йўл, автомобиль йўли) хизматлари кўрсатилишини ташкил этади;

Агентлик ва хориждаги муассасаларни ҳаво транспортининг жўнаб кетиш санаси, жойи, тайёргарлик муддати, вақти, шунингдек, ҳаракатланиш йўналиши тўғрисида хабардор қилади.

5-боб. Яқунловчи қоидалар

24. Агентлик томонидан кўрсатилган молиявий ёрдам суммаси, субсидия, компенсация ва жарима суммаларини ундириш бўйича суд ҳужжати асосида берилган ижро ҳужжатидаги талаблар белгиланган муддатда қарздор томонидан узрсиз сабабларга кўра бажарилмаганда, давлат ижрочиси Агентликнинг аризаси бўйича ёки ўз ташаббуси билан қарздорнинг Ўзбекистон Республикасидан чиқишини вақтинча чеклаш тўғрисида қарор чиқаришга ҳақли.

25. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Ташкиллаштирилган тарзда чет элга ишга юборилган
ва борган давлатининг қонунчилик ҳужжатларини бузиши
натijasида депортация қилинган фуқароларини қайтариш
ва уларни қайтариш билан боғлиқ харажатларни ундириш
тартиби тўғрисидаги низомга
1-илова

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Миграция агентлиги директори

_____ га
_____ йилда туғилган
паспорт (хорижга чиқиш паспорти) серияси _____
_____ да
(хорижий давлат ҳудудидаги яшаш манзили)
_____ да
(телефон рақами ва эл.почта манзили)
_____ дан
(Ф.И.О.)

АРИЗА

Мен _____
(ташкиллаштирилган тарзда ишга юборган ташкилот)
томонидан ташкиллаштирилган тарзда ишга жойлаштирилган эдим.
Ушбу ишга жойлаштирилган давлатимда _____

(депортация қилиниш сабаби кўрсатилади)
сабабли депортация қилиндим.

Шу муносабат билан мени Ўзбекистон Республикасига қайтишимда ёрдам
беришингизни сўрайман.

Илова: _____

(ҳужжатлар рўйхати)

20 __ йил “__” _____

(Ф.И.О.)

(имзо)

Ташкиллаштирилган тарзда чет элга ишга юборилган
ва борган давлатининг қонунчилик ҳужжатларини бузиши
натижасида депортация қилинган фуқароларини қайтариш
ва уларни қайтариш билан боғлиқ харажатларни ундириш
тартиби тўғрисидаги низомга
2-илова

ҚАРЗ ШАРТНОМАСИ _____-сон

20__ йил “__” _____

Кейинги ўринларда “Қарз берувчи” деб аталадиган Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миграция агентлиги номидан устав асосида фаолият
кўрсатувчи директор _____ бир томондан ва кейинги ўринларда
“Қарз оловчи” деб аталадиган _____

(фуқаронинг Ф.И.О.)

Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспорт серияси _____ рақами _____,
_____ йилда _____ томонидан берилган,
“__” _____ йилда туғилган, иш жойи _____ иккинчи
томондан, биргаликда шартноманинг тарафлари деб номланадилар, Ўзбекистон
Республикаси Президентининг “Миграция жараёнларини бошқариш тизимини ислоҳ
қилиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида” 2024 йил 17 октябрдаги
ПФ–162-сон Фармонида асосида қуйидагилар тўғрисида ушбу шартномани туздилар:

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Қарз берувчи Қарз оловчига хорижий давлатларда қонунчилик ҳужжатларини
бузиши натижасида депортация қилинган тақдирда, умумий _____
(_____) миқдоридаги маблағни қарзга беради,
Қарз оловчи эса ўз зиммасига мазкур шартноманинг шартларига мувофиқ қарз
сифатида олинган маблағни ўз вақтида қайтариш мажбуриятини олади.

1.2. Қарз суммаси Қарз оловчи Ўзбекистон Республикасига қайтиб келиш учун
транспорт чипталари (ҳаво, темир йўл) сотиб олиш ёки автотransпорт хизматларини тўлаш
учун ажратилади.

2. ҚАРЗ АЖРАТИШ ВА УНИ ҚАЙТАРИШ БЎЙИЧА ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. Қарз оловчининг молиявий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги аризаси ижобий
қўриб чиқилганидан сўнг бир иш кунида Қарз берувчи мазкур шартноманинг
1.2-бандига асосан Қарз оловчига транспорт чиптаси сотиб олиб бериш учун
маблағларни тўғридан-тўғри таъминотчиларга ўтказиш йўли билан тўланади.
Молиявий ёрдам Қарз оловчига тўғридан-тўғри пул маблағларини ажратиш орқали
амалга оширилмайди.

2.2. Қарз суммаси берилган вақтдан эътиборан 30 (ўттиз) кун муддатга тақдим
этилади ва ушбу муддат давомида Қарз оловчи томонидан қайтарилиши керак.

2.3. Қарз суммаси Қарз оловчи томонидан Ўзбекистон Республикасининг
республика бюджети “бошқа даромадлар турларига кирим қилиш” газна
ҳисобварағига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тўлов кунидаги курси
бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида маблағ киритиш йўли билан
қайтарилади.

2.4. Шартномага асосан фуқарога берилган қарз учун фоизлар белгиланмайди.

2.5. Фуқаронинг айбли хатти-ҳаракатлари туфайли Ўзбекистон Республикасига қайтиб келиш имконияти мавжуд бўлмаслиги авиа чипта харажатларини қоплаб бериш мажбуриятини истисно этмайди.

3. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

3.1. Ушбу Шартноманинг мажбуриятларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлиги учун тарафлар Ўзбекистон Республикаси қонунларига ва ушбу Шартноманинг шартларига мувофиқ жавоб берадилар.

3.2. Қарз суммаси белгиланган муддат ичида ихтиёрий қайтарилмаган тақдирда, ҳар бир бир кечиктирилган кун учун 0,4 фоиз, бироқ умумий қарз суммасининг 50 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

4. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ

4.1. Тарафларнинг биронтаси ҳам бошқа тарафнинг олдида ушбу Шартнома бўйича қолган мажбуриятларни тарафларнинг эрки ва истагидан ташқари пайдо бўлган ва уларни олдиндан кўра билиш ёки бартараф этиш мумкин бўлмаган қуйидаги ҳолатларда мажбуриятлардан озод қилинади: ҳукумат томонидан тақиқланиш, фуқаролик тартибсизликлари, юқумли касалликларнинг кенг тарқалиши, қамал ҳолати, экспорт ёки импорт операцияларининг ҳукумат томонидан тақиқланиши, зилзила, сув тошқини, ёнғин ёки бошқа табиий офатлар.

Шу билан бирга, Шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати бундай ҳолатлар ва уларнинг оқибатлари муддатига мутаносиб равишда кечиктирилади.

4.2. Ушбу Шартноманинг **4.1-бандида** кўрсатилган ҳолатлар юз берганда, бир тараф 10 кун муддат ичида иккинчи тарафга ёзма хабар беришга мажбурдир.

4.3. Ваколатли давлат органи томонидан берилган ҳужжат фавқулодда вазиятнинг мавжудлигини ва давомийлигини етарли даражада тасдиқлайди.

5. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

5.1. Мазкур Шартнома Томонлар имзолаган кундан эътиборан кучга киради ва томонлар учун шартнома бандларида белгиланган мажбуриятлар тўлиқ бажарилган тақдирда тугатилган ҳисобланади.

6. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ

6.1. Мазкур шартномадан келиб чиқадиган низолар томонларнинг келишувига асосан ҳал этилади. Томонлар келишувга эриша олмаган тақдирда мазкур шартномадан келиб чиқадиган низолар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига асосан суд тартибида ҳал қилинади.

7. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

7.1. Шартномага киритилиши лозим бўлган барча ўзгартириш ва қўшимчалар фақат ёзма равишда амалга оширилиб, тарафлар имзолаганидан сўнг ҳақиқий деб эътироф этилади. Тарафларнинг тегишли қўшимча битимлари ушбу Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

7.2. Ушбу Шартномага оид, лекин Шартномага киритилмаган ҳолатлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги асосида ҳал этилади.

7.3. Ушбу Шартнома тарафлар учун бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тайёрланди.

8. ТАРАФЛАРНИНГ ПОЧТА МАНЗИЛЛАРИ, ТЎЛОВ РЕКВИЗИТЛАРИ
ВА ИМЗОЛАРИ:

Қарз олувчи: Ўзбекистон Республикаси фуқароси		Қарз берувчи: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миграция агентлиги	
(Ф.И.О.)			
Почта манзили: _____		Почта манзили: _____	
<i>(Ўзбекистон Республикасида доимий яшаси жойи)</i>		Ўзбекистон Республикаси Давлат	
Паспорт серияси ва рақами _____		бюджетининг Ғазначилик ҳисобварағи: _____	
Ким томонидан берилган _____			
ЖШШИР (СТИР) _____		Банк номи: _____	
(Қарз олувчининг Ф.И.О.)	(имзо)	(Директор Ф.И.О.)	(имзо)
		М.Ў.	

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил “13” майдаги 313-сон қарорига
2-илова

Вазирлар Маҳкамасининг “Махсус электрон тизим орқали айрим фаолият турларини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги ягона низомни тасдиқлаш ҳақида” 2022 йил 21 февралдаги 80-сон қарорига киритилаётган қўшимчалар

17-иловада:

9-позициянинг учинчи устуни қуйидаги мазмундаги “д¹” кичик банд билан тўлдирилсин:

“д¹) чет элга ишга юборилаётган шахсларни бораётган давлатининг қонунчилиги, унда бўлиш қоидалари бўйича ўқитишни ташкил этиш”;

12-позициянинг учинчи устуни қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Чет элга ишга юборилаётган шахсларга бораётган давлати қонунчилиги, унда бўлиш қоидаларини ўқитиш бўйича таълим ташкилотлари билан тузилган шартнома илова қилинади”.

